VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

33 (405) ● 2016 йил 24 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон бокс терма жамоаси 207 мамлакат орасида биринчи ўринни эгаллади

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан Шаҳарсозлик кодекси ижроси муҳокама этилди

"Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида" онлайн саёҳат лойиҳаси юртимиз бўйлаб давом этмоқда

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон — **"Олтин юлдуз"** медали топширилсин:

Курбанов Равшанбек Давлетович — "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти директори

Ражабов Шарипбой — Боғот туманидаги "Боғот" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Умматов Эркин Рахманович — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғининг ўринбосари – "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлиғи

Шарапова Мухаббат Араповна — Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 август

Курбанов Равшанбек Давлетович

Ражабов Шарипбой

Умматов Эркин Рахманович

Шарапова Мухаббат Араповна

Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида олимпиада ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларидаги юксак спорт маҳорати ва мардлиги, халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сонли қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бирйўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

олтин медаль олгани учун

ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Нурудинов Руслан Шамилевич – оғир атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Дўсматов Хасанбой Марфжон ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Зоиров Шахобидин Шокирович – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Гаибназаров Фазлиддин Хасанбаевич – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

кумуш медаль олгани учун

ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан:

Гиясов Шаҳрам Джамшедович – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Меликўзиев Бектемир Рўзматжон ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

бронза медаль олгани учун

ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

Ахмадалиев Муроджон Қаҳор ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Тулаганов Рустам Тўлқин ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Собиров Ришод Рашидович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Урозбоев Диёрбек Бахтиёр ўғли – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Тасмурадов Елмурат Зулипхар-ули – юнон-рум кураши бўйича терма жамоа аъзоси;

Наврузов Ихтиёр Каримович – эркин кураш бўйича терма жамоа аъзоси;

Ибрагимов Магомед Идрисович – эркин кураш бўйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада — АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда очиладиган депозит ҳисоб рақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртманомалари бўйича белгиланган тартибда конвертация қилсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 август

"Президентга мактублар" китобининг тўртинчи жилди нашрдан чиқди

"Маънавият" нашриёти томонидан "Президентга мактублар" китобининг навбатдаги – тўртинчи жилди чоп этилди.

Ушбу китобдан 2013 – 2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

> 2-бет.

Миллий ғурур

Ватанни шарафлар буюк юрт фарзандлари

Жаҳондаги 207 давлат орасида 21-ўринда, Осиёда тўртинчи, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида иккинчи, Марказий Осиёда биринчи!

Икки ҳафта давомида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — XXXI ёзги Олимпия ўйинлари якунида Ўзбекистон спортчилари ана шундай тарихий ғалабани қайд этди. Музаффар атлетларимиз спортнинг 16 турида иштирок этиб, 4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритди.

Инсоният Олимпия ўйинларига бош қўшибдики, ҳали юртимиз спортчилари ҳеч қачон бундай юксак чўққига чиқа олмаган. Ва энг муҳими, бу йилги Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимизнинг деярли барчаси мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, қишлоқ туманларида вояга етган ёшлар.

Буларнинг бари, шубҳасиз, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун катта имкониятлар яратиш мақсадида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотларнинг ҳаётий натижасидир.

> 2-бет.

MILLIY TIKLANISH
33 (405) 2016 йил 24 август, чоршанба

Миллий ғурур

Ватанни шарафлар буюк юрт фарзандлари

Жаҳондаги 207 давлат орасида 21-ўринда, Осиёда тўртинчи, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида иккинчи, Марказий Осиёда биринчи!

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Истеъдодли ёшларимизнинг Бразилия ареналарида эришган ғалабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилганда беихтиёр тўлқинландик, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Бундай лаҳзаларда туюладиган қувончу ғурурни тақдим этган спортчиларимизнинг аксарияти ҳам Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни оммавий равишда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига жалб қилишга қаратилган спорт мусобақаларининг уч бўғинли ягона тизими ("Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада)да чиниққан йигитлардир. Бу, содда айтганда, Ўзбекистон ёшлари ҳеч қачон ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам ҳам бўлмаслигининг ёрқин, ҳаётий исботидир.

...23 август. Уфқа бош қўйган қуёш ойдин оқшомга ўрин бўшатди. "Тошкент" халқаро аэропорти ҳар доимгидан-да гавжум. Вазирлик ва идоралар, спорт жамоатчилиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ота-оналар ва мухлислар қўлида гулдаста, дилларда ҳаяжон. Нигоҳларда Олимпия ўйинларида буюк ва муқаддас Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган спортчилар билан дийдорлашишга интиқликни сезиш қийин эмас.

Ана, ниҳоят делегациямиз аъзолари кўринди. Уларнинг барчаси ҳурмат-иззатга, эҳтиромга лойиқ. Айниқса, боксчиларимиз. Ахир, Олимпиадада фақат ўзбек боксчилари тўлиқ таркиб билан қатнашди, ўзбекистонлик 10 боксчининг тенг ярми финалга қадар етиб борди: Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров, Фазлиддин Ғоибназаров олтин, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Меликўзиев қумуш, Муроджон Аҳмадалиев, Рустам Тўлаганов бронза медаллари билан тақдирланди. Бу Рио Олимпиадасининг бокс турнирида иштирок этган мамлакатлар ичида энг яхши кўрсаткичдир. Бу — дунёда ўзбек бокс мактаби вакилларининг тенгсиз эканининг исботи ҳамдир.

Шунингдек, икки нафар дзюдочимиз Диёрбек Ўрозбоев ва Ришод Собиров Олимпиаданинг дастлабки икки кунида бронза медалларини қўлга киритиб, ўзбек спорт мухлисларини хурсанд қилишди. Оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов ўзига билдирилган ишончни оқлай олди: олтин медаль, Олимпиада рекорди янгиланди. Элмурот Тасмуродов юнон-рум кураши баҳсларида бронза медалини қўлга киритган бўлса, Олимпиаданинг сўнгги кунида икки эркин курашчимиз Ихтиёр Наврўзов ҳамда Магомед Ибрагимов ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Қадоқ битган панжа зарби шунақа!

...Жорий йилнинг 21 августидан 22 августига ўтар кечаси. Рости, ўзини шу юрт, шу халқ тақдирига, обрў-эътиборига дахлдор санаган бирорта инсон шу кечани ҳаяжонсиз ўтказмади: Риодан келган қўшалоқ ғалаба садолари туфайли ҳар бир ўзбекистонлик қалбида чуқур бир ғурур туйғани бор гап.

Мустақилликнинг илк йилларида — 1993 йилда Бухоро вилоятида таваллуд топган Шаҳобиддин Зоиров 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида кумуш медаль олганди. Олимпиада финалида эса у россиялик Миша Алоянга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

— Олимпия ўйинларига жўнаб кетишдан олдин ота-онамга шундай ваъда бергандим: "Риодан, албатта, олтин медаль билан қайтаман", шукрки, ниятларим ушалди, орзумга етдим, — дейди Шаҳобиддин. — Бу нафақат менинг, балки бутун ўзбек халқининг муваффақиятидир. Мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши, давлатимизнинг юксак эътибори, спортнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги туфайли ана шундай юксак шоҳсупага чиқдик. Барча ғалабамизни яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига бағишлаймиз...

Айниқса, мустақиллик тенгдоши Фазлиддин Ғойибназаровнинг финалда озарбайжонлик Лорензо Коллазо Сотемайор билан жанги ниҳоятда драматик кечди. Дастлабки, раундда ҳакамлар бўйи ва қўли узун Лорензога юқори балл қўйди. Бироқ барчамиз ич-ичдан Фазлиддин бўш келмаслигини сезиб турардик. Ана, бўйи пастроқ боксчимиз шердай олдинга ташланди. Кетма-кет зарбалардан асли бокс ўчоғи саналган Кубада вояга етган Лорензо чайқалди. Мувозанатини йўқотди. Ҳакам ҳисобни очди. Сўнг қолган вақт давомида у фақат "клинч"га киришга, лаларидаги ғалабаси уни вояга етказган, тарбиялаган, истеъдодини юзага чиқарган мустақил Ўзбекистон ғалабасидир. Зеро, юртимиз мустақил бўлмаганида оддий бир деҳқон фарзанди шундай юксак марраларга эриша олармиди?! Йўқ, асло! Буни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Маҳалладошлар, яқинларимиз менга "Маъруфжон, кеча ким эдингу, бугун ким бўлдинг? Сенга ҳавасимиз келяпти", деганида мен бу дунёларга сиғмай кетдим.

Кеча "Тошкент" халқаро аэропортида бундай самимий дил изҳорларини Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Меликўзиев, Муроджон Аҳмадалиев, Рустам Тўлагановдан, уларнинг яқинларидан ҳам эшитдик. Ҳар бири алоҳида мақола бўлгулик таассуротлар...

Руслан — Олимпия рекордчиси

Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида тажрибали спортчимиз Руслан Нурудинов олтин медални қўлга киритиш билан бирга, Олимпия ўйинлари рекордини ҳам янгилаб, ўзбек оғир атлетика мактабининг бугунги салоҳияти нақадар юксак эканини дунё аҳлига яққол намоён қилди.

Оғир атлетика бўйича вазни 105 килограммгача бўлган атлетлар ўртасида Руслан полвон штангани даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237, иккикураш якунига кўра, 431 килограмм натижа қайд этиб, Олимпия ўйинлари ғолиби бўлди. У силтаб кўтаришда кўрсатган натижаси билан бундан саккиз йил аввал беларуслик Андрей Арямнов Пекин Олимпиадасида ўрнатган рекорд (236 килограмм)ни пучга чиқариб, янги рекордчи сифатида жаҳон спорти тарихидан муносиб жой олди.

— Бугун жаҳон ареналарида эришаётган ҳар бир ғалабамиз мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самараларидир, — дейди Руслан. — Турли халқаро мусобақаларда бошқа давлат спортчилари билан кўп суҳбатлашаман. Шундан келиб чиқиб айтсам, болалар спортини ривожлантиришга дунёда Ўзбекистончалик эътибор қаратаётган мамлакатни учратиш қийин. Мамлакатимизда болалар спорти ривожига қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан асосий мақсад — ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишдир. Бунинг натижасини бугун Ўзбекистон ёшлари эришаётган халқаро муваффақиятларда, жисмонан ва маънавий баркамол фарзандлар тимсолида ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўзбек оғир атлетика мактаби дунёда етакчилар қаторидан жой олганини бугун халқаро спорт ҳамжамияти вакиллари ҳам эътироф этмоқда. Атлетларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда мунтазам совринларни қўлга киритмоқда. Спортимизнинг эртаси бўлган ана шу иқтидорли йигит-қизлар бугун ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон ҳамда қитъа биринчиликларида ғолиб бўлаётгани миллий спортимизнинг янада юксак ютуқлари ҳали олдинда эканига умид ва ишонч бағишлайди. Бу, шубҳасиз, давлатимиз томонидан спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, халқаро спорт ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчи қилиб тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Ватанни шарафлаш — муқаддас бурч

Иқтидорли дзюдочимиз Диёрбек Ўрозбоев Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки медални келтирди. Вазни 60 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида Австралия, Швейцария, Бразилия ҳамда Грузия терма жамоаси аъзоларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

— Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз! Бу сўзлар ўз кучимга ишонч, юрагимга далда бағишлади, — дейди Диёрбек Ўрозбоев. — Ҳурсандчилигимизнинг чегараси йўқ. Бундай ғалабаларга, аввало, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда спорт ривожига қаратаётган алоҳида эътибори, кўрсатаётган ғамхўрлиги асосий омил бўлмоқда. Яратиб берилаётган шароитлар, билдирилаётган юксак ишонч бизни янги-янги зафарлар сари чорламоқда. Баҳсга биринчилардан бўлиб киришиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли. Мен бунга ҳар жиҳатдан тайёр эдим. Энг асосийси, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаганимдан хурсандман. Бу — барчамизнинг ютуғимиз. Олимпия ўйинларидаги илк ютуғимни Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман.

Дарҳақиқат, дзюдо — мамлакатимизда жадал ривожланаётган спорт тури саналади. Юртимиз дзюдочилари Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли турнирларда мунтазам совринли ўринларга сазовор бўлмоқда, янги-янги истеъдод эгалари кашф этиляпти.

— Ота-она учун фарзанд камолини кўришдан ҳам ортиқроқ бахт бўлмаса керак, — дейди Диёрбек Ўрозбоевнинг отаси Бахтиёр Шарипов. — Бугун ҳар қанча ғурурлансам, фахрлансам арзийди. Ўғлим Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди. Ишончим комилки, улкан эътибор ва ғамхўрликни дилдан ҳис қилган фарзандларимиз ҳали кўплаб Олимпия ўйинларида такрор ва такрор Ўзбекистон шарафини юксакларга кўтарадилар.

Дарҳақиқат, эркин ва обод, тинч ва осойишта юртда вояга етаётган, кўзлари ёниб турган, ўз кучига ишонган ўғил-қизларимиз марраси баланд олар экан ўз ҳаётини Ватани равнақи, эл-юртининг обрўсига дахлдор, деб билади. Бу йўлда билим ва салоҳиятини, истеъдоду иқтидорини аямайди. Бундай авлодни ҳеч ким енга олмайди, унинг қадди ҳам, қадри ҳам доимо баланд бўлади.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласига эътибор спорт ривожида муҳим аҳамият касб этади, ана шундай муҳит ва шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бормоқда.

Томас БАХ,
Халқаро олимпия қўмитаси президенти

Финалда россиялик Миша Алоянга қарши ўзбек боксчиси Шаҳобиддин Зоиров дуч келди. Бу боксчи ёш, ғалабага чанқоқ ва тезкор бўлиши билан бирга чапақай эди.

Зоиров иккинчи раундга келиб, вакилимизга тўлиқ мослаша олди ва кўплаб аниқ зарбалар йўллади. Алоян гоҳ жағига, гоҳ чаккасига учиб келаётган зарбаларни пайқамай қолди. Натижада ўзбек боксчиси ғолиб бўлди.

Андрей БАЗДРЕВ,
Россиянинг "Спорт-Экспресс" газетаси эксперти

* * *

Боксда фақат кучлилар ғалаба қозонади. Бу йилги Олимпиадада ўзбекистонлик боксчилар ҳаммадан кучли эди. Айниқса, Биржан Жакиповни мағлуб этган Ҳасанбой Дўсматов мусобақанинг энг яхши боксчиларидан бири бўлди. Боксчимиз бизнинг кўрсатмаларимизни бажара олмади. Аниқроғи, бунга ўзбек боксчиси йўл қўймади.

Мирзагали АЙТЖАНОВ,
бокс бўйича Қозоғистон терма жамоаси бош мураббийи

Ўзбекистонлик боксчилар кубаликларни ортда қолдириб, Олимпиада бокс мусобақаларида биринчи ўринни қўлга киритдилар. Бу Олимпия ўйинларидаги энг катта воқелик бўлди, ахир шу пайтгача МДҲ мамлакатларининг ҳеч бири бундай натижага эриша олмаган эди.

Дмитрий МОСТОВОЙ,
россиялик таниқли спорт шарҳловчиси

Руслан Нурудинов қайд этган натижани ҳақиқий мўжизага қиёслаш мумкин. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда спорт қай даражада тараққий этиб бораётганлигининг ёрқин исботидир.

Олимпиада ўйинларида бундай натижаларга ўзўзидан эришиб бўлмайди. Мен Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман ва у ерда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида бевосита давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ишларга қойил қолганман. Бунинг самараси эса бугун Олимпия ўйинларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Томаш АЯН,
Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти

* * *

Ўзбекистон бу галги Олимпия ўйинларида барчани ҳайратда қолдирди. Бокс бўйича эса дунёдаги барча мамлакатлардан яхши иштирок этди. Ўзбекистонни табриклайман! Спортчиларнинг тенги йўқ.

Андрей РЯБИНСКИЙ,
Россия профессионал бокс федерацияси вице-президенти

"Президентга мактублар" китобининг тўртинчи жилди нашрдан чикди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мазкур хатларни ўқир экансиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган, ёши, касбу кори, миллати ва дунёқарашига кўра бир-биридан фарқ қиладиган мактуб эгаларининг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари нақадар холис ва самимий экани, уларни умумий бир хусусият – она Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга меҳр ва ишонч бирлаштириб турганини яққол ҳис қиласиз.

Ватанимизнинг турли ҳудудларидан Юртбошимиз номига юборилган хатлар Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт манзарасини, барча соҳа ва тармоқларда эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг миқёси ва кўлами, уларнинг юртдошларимиз ҳаётига кўрсатаётган ижобий таъсирини бамисоли ёрқин кўзгудек намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, одамларимиз аввало ўзига, оиласига бевосита дахлдор бўлган воқеа-ҳодисалардан, ўзгаришлардан тўғри хулоса чиқариб, бу жараёнда ўзининг ўрни ва таъсири қандай эканини тушуниб, англаб, ҳаётга, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Айни мана шу хусусият барча мактубларнинг бош ғояси, бош мавзуси, десак, хато бўлмайди.

Ушбу хатларнинг асосий қисмида кўрсатилган меҳр-оқибат ва яхшилик, эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимизга, халқимизга, Президентимизга самимий миннатдорлик туйғулари ифода этилган. Бу бежиз эмас. Нега деганда, халқимиз доимо яхшиликка интилиб, яхшиликни қадрлаб яшайди.

Мухтасар айтганда, бу хатлар юртдошларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, уларнинг гражданлик позицияси тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бу айни пайтда халқимиз ижтимоий кайфиятининг муҳим устувор кўрсаткичидир.

Мазкур китобда жам бўлган хатларда оддий мактаб ўқувчисидан тортиб кўпни кўрган тажрибали инсонларгача, ишчи ва муҳандислар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлардан тортиб шифокор, муаллим ва мураббийларгача, илмий-ижодий соҳа вакилларидан тортиб ҳарбий хизматчиларгача, қисқача айтганда, бутун халқимизнинг овози баралла эшитилиб туради, десак, муболаға бўлмайди.

Мактуб муаллифлари орасида хорижий давлатларнинг фуқаролари, атоқли давлат ва сиёсат арбоблари ҳам борлиги Президентимизнинг серқирра фаолияти халқаро миқёсда, чет элларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани – мамлакатимиз қўлга киритаётган улкан марралар жаҳонда тан олинаётгани ва кенг эътироф этилаётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Бундай хатларда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, Ўзбекистон билан чет давлатлар ҳамкорлигининг турли қирралари, халқимизнинг қадимий ва бой тарихи, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалалар ечими бўйича Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган амалий таклиф ва хулосаларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ўйлаймизки, бу тўплам Ўзбекистон Президентининг мустақил тараққиётимизнинг ўта мураккаб ва юксак масъулиятли давридаги самарали фаолияти, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида халқимиз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва марралар, фуқароларимизнинг жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳисси ва бурчи, шу билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган самимий ва амалий мулоқотлар ҳақида китобхонларимиз тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎзА

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига

Тараққиётимизнинг юксак марралари

Халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — мамлакатимиз мустақиллигининг чорак асрлик тўйини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шундай лаҳзаларда халқимиз тақдири билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар ҳақида наинки ўйлашимиз, балки улар ҳақида, биринчи навбатда, ёшларга юртимизнинг мустақиллиги, ютуқ ва марралари ўз-ўзидан, осонликча қўлга киритилмаганини ҳаётий мисоллар орқали чуқур тушунтиришимиз ниҳоятда муҳим.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори айни шу маънода, барчамизга кўтаринки руҳ бағишлади. Мазкур қарорда белгиланганидек, халқимиз хотирасида ўчмас ва шонли санага айланган энг улуғ, энг азиз айём бу йил **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган эзгу ғоя асосида кенг нишонланади.

Аслида ҳар бир халқ учун ўз юрти гўзал, бетакрор, муқаддас.

Бироқ Ўзбекистонимиз умуминсоний цивилизация бешиги, инсоният тамаддуни ўчоғи, турли халқлар маданияти чорраҳаси, тўрт фасли тугал саховатли замин сифатида, бунёдкор халқи билан ҳам гўзал ва бетакрордир. Бундан 25 йил олдин халқимиз Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўз мустақиллигини қўлга киритиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклади. Ўзбекистон жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегияси амалга оширилгани бугун халқимиз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда. Мазкур қарорда таъкидланганидек, бунинг амалий исботини мамлакатимиз қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин. Ваҳоланки, бугун дунёда ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг кўпида молиявий-иқтисодий таназзул, мураккаб сиёсий-ижтимоий аҳвол юзага келган. Шу боис ҳам Жаҳон банки экспертлари 2016 йилда дунё иқтисодиёти ўсиши бўйича прогнозини 3,3 фоиздан 2,9 фоизга пасайтирди. Хусусан, жорий йилда Хитой иқтисодиётида ўсиш 6,7 фоиздан ошмаслиги, Бразилияда бу кўрсаткич 2,5 фоизга тенг бўлиши, Россияда ўсиш суръати 0,7 фоизни ташкил қилиши айтилмоқда. Шундай иқтисодий таназзул фонида ўша халқаро экспертлар Ўзбекистон иқтисодиёти 2016 йилда 7,8 фоизга, 2017 йилда 8 фоизга тенг бўлишини прогноз қилишди.

Ҳа, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришилаётган бундай марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу кўп мамлакатларни қойил қолдираётгани ва уларнинг ҳавасини уйғотаётгани ҳам бор гап. Олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омилини авваламбор тараққиёт йўлимизда тўсиқ бўлган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни енгиб ўтишда халқимизнинг дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганида кўриш даркор.

Аслида ҳам мустақиллик қадр-қиммати, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз, халқимиз эришган ютуқ ва марраларни таҳлил қилар эканмиз, Президентимизнинг **"Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?"**, деган даъвати бизни яқин ўтмишга назар ташлаб, бугунги тинч-осойишта, дориломон ҳаётимизга шукроналик билан яшашга ундайди.

Мустақиллик халқимиз ҳаётининг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб юборди. Эл-юртимизни қарамлик кишанларидан озод қилди. Топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ор-номусимиз тикланди. Ўзлигимизни — кимларнинг авлоди эканимизни англадик. Фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятларга эга бўлдик. Шуларнинг самарасида Ўзбекистон барча соҳада мустақилликка эришди. Хусусан, ғалла, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳаларидаги мустақиллик, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар, замонавий корхоналар барпо этиш, уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларнинг туб моҳиятида Ватанимиз мустақиллиги, тинчлиги, халқимизга хос бунёдкорлик ва меҳнатсеварлик фазилатлари мужассам. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ва Хитой раҳбари Си Цзиньпин иштирокида очилиш маросими бўлган, фойдаланишга топширилган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелини тилга олиш кифоя. Денгиз сатҳидан 2,2 минг метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони орқали ўтган бу темир йўл Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали шу йилнинг ўзида 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади. Айни пайтда қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда саккизинчи, узунлиги жиҳатидан ўн учинчи, МДҲ мамлакатлари орасида ягона бўлган Қамчиқ туннели Тошкент вилояти билан Наманган вилояти ўртасида робита вазифасини ўтайди.

Истиқлолнинг дастлабки даврини эслайлик: Ўзбекистон киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича собиқ иттифоқда 12-ўринда, саноатдаги меҳнат унумдорлиги бўйича 40 фоиз, қишлоқ хўжалигида 2 баробар орқада эди. Аҳолимиз ўрта ҳисобда гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини 2 баробар кам истеъмол қиларди, мамлакатимизда буғдой ва ун захирасининг таги кўриниб қолган эди. Юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланарди. Бугун-чи? Мустақиллик даврида асосий озиқ-овқат товарларининг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Шу даврда аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари — 1,5 карра, картошка — 1,9 марта, сабзавот — 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайди, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори барпо этилди. Қувонарлиси, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида ҳам кенг қамровли ва чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Миллий парламентимиз фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиб, икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият мавқеи янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партиялар роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини, албатта, эшитиш амалиёти шаклланди. Бугун Ўзбекистон парламенти ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашида муҳим роль ўйнамоқда. Парламент нафақат қонун ижодкорлиги, балки давлат органлари фаолияти устидан назоратни олиб бориш билан боғлиқ функцияни ҳам самарали бажаришга киришди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарур".

ЎзМТДП Марказий кенгаши электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда партия гуруҳларининг роли ва ўрнини янада кучайтиришга мунтазам эътибор қаратиб келмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар биргина жорий йилнинг биринчи ярмида 1920дан зиёд депутатлик сўровини амалга оширди. Бу рақам 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоизга ўсди. Аҳамиятлиси, бу сўровларнинг қарийб 1500 таси фуқаролар мурожаатлари асосида амалга оширилган. Яъни, мамлакатимизнинг барча жойида фуқаролар жамият ва ўзлари яшаётган ҳудуд ҳаётида муҳим аҳамиятга эга масалаларни депутатларимиз олдига кўтариб чиқмоқда, партияга ишончи мустаҳкамланмоқда. Ўз навбатида, партия гуруҳлари қонун ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг биринчи ярмида қарийб 317 мансабдор шахснинг ҳисоботини тинглади. Партия электорати манфаатига доир 159 таклиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишлари, 74 ташаббус-масала сессиялар кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Албатта, бу рақам ва кўрсаткичлар ЎзМТДП гуруҳларининг партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариши учун етарли эмас. Бунинг учун депутатлар ўз ваколатидан самарали фойдаланишлари, ташаббускорликни янада оширишлари талаб этилади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида партия Марказий кенгаши ва фракцияси истиқлол байрамини муносиб нишонлашга доир чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** шиори остида "Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқларимиз асоси", "Истиқлолнинг янги авлоди: Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!", "Оилалар саодати — мустақиллик самараси", "Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Биз ким эдик ва ким бўлдик?", "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир", "Эртанги кун бизники, марра бизники!" каби мавзуларда форум, фестиваль, тадбир ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Мазкур тадбирларда мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб бергани ёшларга аниқ мисоллар билан батафсил етказилди.

Ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳияти атрофлича ёритиб берилаётир. Ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани чуқур очиб берилмоқда.

Йиллар ўтса-да, авлодлар алмашсада, мустақиллик — халқимизнинг тарихий ютуғи сифатида мангу қолади. Ўз қарашлари ва мезонларига эга, йўли ойдин, манзили ёруғ халқ карвонини ҳеч қандай куч чалғитолмайди. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч — маънавият бор.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси

Амалий тадбир

Алоқа тарихи музейида

ахборот технологиялари соҳасида эришилган натижалар қиёсий таҳлил қилинди

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий-ташкилий ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Энг аввало, соҳанинг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилди. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг фармон ҳамда қарорлари соҳа ривожини таъминлашда муҳим дастуриламал бўляпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон алоқа тарихи музейида миллий ахборот соҳаси тараққиётига бағишланган семинар ташкил этди. Унда депутатлар семинар иштирокчиларига музейдаги экспонатларни ўзаро қиёслаш воситасида истиқлол йилларида ахборот-коммуникациялари соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳақида кенг маълумот берди.

Семинар учун айнан Алоқа тарихи музейи бежиз танланмаган. Чунки кечаги ва бугунги кунни ўзаро таққослашда музейдаги экспонатлар жуда қўл келади. Музейда бундан бир неча аср муқаддам яратилган ҳамда бугуннинг энг замонавий ахборот технологиялари намуналарини ҳам учратиш мумкин. Айни шу ерда ёши улуғ кишилар бундан атиги 25-30 йил муқаддам юртимизда ахборот технологиялари қай аҳволда эканлигини ёдга олдилар. Телефон орқали шаҳарлараро сўзлашув учун олдиндан халқаро алоқа пунктига навбатга ёзилиш лозим бўларди. Халқаро сўзлашувлар учун эса ўн кун аввал телекоммуникация боғламасига ёзма мурожаат қилиш, шунда ҳам фақат "марказ"дан рухсат бўлгандагина имкон бериларди. Бугун эса дунёнинг барча давлатига хоҳлаган вақтда мобиль ёки стационар телефон орқали қўнғироқларни амалга ошириш, замонавий ахборот технологияларидан эркин ва истаганча фойдаланиш имконияти мавжуд. Бугун мамлакатимиздаги барча автомат телефон станцияси рақамли тизимга ўтказилди, чекка ҳудудларга ҳам оптик толали алоқа тармоқлари тортилмоқда, минглаб уяли алоқа база станциялари ўрнатилмоқда. Бу эса халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш ҳамда фуқароларга юқори даражадаги ахборотга эга бўлиш имконини берди. Ана шуларнинг ўзиёқ "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?", деган саволга муносиб жавоб бўла олади.

Семинарда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат бошқарувида кенг фойдаланилаётганлиги, электрон ҳукумат тизими кенг жорий этилгани аҳоли, айниқса, тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиб бераётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун меъёрларининг жамият ҳаётига кенг жорий қилиниши давлат идораларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларини янада соддалаштириш, сарф-харажатларни камайтириш, иш унуми ҳамда сифатини ошириш, энг муҳими, иқтисодиётни жадал ривожлантириш имкониятини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Мазкур қонунга мувофиқ аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун мамлакатимизнинг барча ҳудудида давлат бошқаруви тизимида "бир дарча" принципи жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг статистика ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензия, рухсатнома, сертификатлар бериш, давлат идораларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга кенг имконият яратилди.

Сўнгги йиллар ичида соҳада эришилган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаментининг баҳосига кўра, Ўзбекистон электрон ҳукуматни жорий этишда юқори натижага эришаётган ўнта давлат рўйхатидан жой олган. Электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича жорий йилнинг 30 июль куни эълон қилинган электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича БМТ таҳлилида Ўзбекистон дунё давлатлари рейтингида 2014 йилга нисбатан 20 поғона юқорилаган.

Депутатлар семинар иштирокчиларига парламентнинг ахборот соҳаси ривожи, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир фаолияти юзасидан ҳам маълумот беришди.

Шухрат ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Семинар-тренинг

ЎзМТДП сайловолди Платформасини амалга ошириш

маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятининг асосий мақсади

Партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ташкил этган "ЎзМТДП сайловолди Платформасини амалга оширишда маҳаллий партия ташкилотларининг долзарб вазифалари" мавзусидаги семинар-тренингда шу хусусда сўз борди. Унда партия Марказий кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ходимлари, туман ва шаҳар кенгаши раислари, журналистлар иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси котиби Хусниддин Ражабов "Маҳаллий партия ташкилотлари раҳбар ходимлари салоҳиятини оширишнинг самарали усуллари" мавзусида маъруза қилди.

— Ҳар бир сиёсий партиянинг аҳоли орасидаги нуфузи унда фаолият юритаётган ходимлар, партия фаоллари ва турли даражадаги депутатларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги, маданияти, дунёқараши, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлик даражаси билан белгиланади, — деди маърузачи. — Сиёсий партиялар учун яратилган барча ташкилий-ҳуқуқий шароит, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маҳаллий ташкилотлари етакчилари ва фаолларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг моҳияти, жаҳон миқёсида юз бераётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг тенденциялари сингари масалалар борасидаги билимларини янада ошириш давр талабидир. ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони ўқув-услубий ва ахборот-таҳлил бўлими айни шу мақсадда ташкил этилган. Ҳудудий партия ташкилотлари ва унинг барча бўғини тизимида турли ўқувларни ташкил қилиш, уларни зарурий адабиётлар, ўқув, илмий-услубий ҳамда ахборот-таҳлил, дастурий материаллар ва намунавий ўқув-режалари билан таъминлаш, ўқув-семинарларнинг самарадорлиги, уларнинг амалиётда ўз ифодасини қай даражада топаётганлигининг доимий мониторингини олиб бориш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, уларнинг ҳудудий ташкилотлар ҳамда парламентдаги партия фракцияси билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

— Бугунги семинар-тренингда ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар, партия ташкилотларида меҳнат интизомини таъминлаш, кадрлар салоҳияти, тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, ЎзМТДП сафини фаол аъзолар билан янада кенгайтириш, партия гуруҳлари ташаббускорлиги ва бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидлангани эътиборга молик, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Мустақиллик байрамига бағишланган тарғибот тадбирларини ўтказишда "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарор муҳим асос бўлмоқда. Тадбирларда кеча ким эдигу, бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлаётган ижобий ўзгаришларни, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини, аҳолининг фаровон яшаш шароитларини ҳаётий мисоллар билан кўрсатиш яхши самара беради. Партия ташкилотлари айни пайтда мустақиллик моҳиятини тарғиб қилувчи "Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Биз ким эдик ва ким бўлдик?" мавзусида минтақавий семинарларни ўтказиш, "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир" шиори остида тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш — асосий вазифаларимиздан. Бугунги тадбир партия гуруҳлари фаолиятини таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, депутатлар гуруҳлари фаоллигини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Семинар-тренингда жойларда қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларининг ижроси юзасидан парламент ва депутатлик назоратини ҳамкорликда ташкил этиш, бу борада маҳаллий Кенгашларнинг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида тегишли қарорлар қабул қилиш орқали партия сайловолди Платформасида кўзда тутилган мақсад-вазифалар ижроси хусусида фикр алмашилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
33 (405) 2016 йил 24 август, чоршанба

ЎзМТДП ташкилотларида

Ўзбекистон — мустақиллик йилларида. Биз ким эдик ва ким бўлдик?

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши шу мавзуда тадбир ташкил этди

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида семинар, давра суҳбати, турли маданий-маърифий тадбирлар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ташкил этилмоқда. Энг улуғ, энг азиз айёмни муносиб нишонлаш учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон — мустақиллик йилларида. Биз ким эдик ва ким бўлдик?" мавзусида ўтказилган семинарда ҳам истиқлол йилларида эришилган ютуқ ва марралар қиёсий таҳлил этилди.

Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, миллий маданият марказлари фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев "Ўзбекистон истиқлол йилларида: миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" мавзусида маъруза қилди:

— Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва ижтимоий барқарорликни асраб-авайлаш, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Ҳар бир маҳалла, туман ва шаҳарда турли миллат вакилларининг тинч-тотув, аҳил-иноқ истиқомат қилаётгани, ягона Ватан тушунчасининг қалбларга муҳрлангани мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги мураккаб ва таҳликали даврда доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни, унинг бебаҳо неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш тобора долзарб аҳамият касб этаётганини ҳар бир юртдошимиз чин дилдан англамоқда. Зотан, бугун дунё воқеаларига назар ташласак, содир бўлаётган қарама-қаршилик ва тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва сезгирлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этаётганига амин бўламиз. Бу фарзандларимизнинг эртанги куни учун, дориломон кунларни туҳфа этган мустақиллигимизни асраш ва мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бугунги эришилган улкан ютуқ ва марраларни кўриб, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаётган ёшларнинг улуғ аждодлар изидан бориб, уларга муносиб бўлиб улғаяётганини кузатиб, ўзлигини англаб бораётган халқимизнинг келажак сари дадил одимлаётганидан фахру ғурур туямиз. Ўзликнинг таянчлари эса тарих ва маънавиятдир. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин. Ҳар қайси инсон ўзлигини англаб, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқур ўзлаштирса, диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшасагина маънавиятимизни асрашимиз, унга таҳдид соладиган хуружларга қарши курашишимиз мумкин бўлади. Партиямизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга ошириши замирида ҳам мана шундай эзгу мақсадлар мужассам, — деди партия раҳбари ўринбосари.

Семинарда таъкидланганидек, Юртбошимиз ташаббуси билан бу йилги байрам **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** шиори остида кутиб олинаётганининг туб моҳиятида мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканлиги, шу буюк ва муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир юртдошимиз тинчлик ва осудаликни асраб-авайлаши, фаровон турмушимизнинг қадрига етишидек эзгу ғоя ва мақсад мужассам. Шу боис ҳам истиқлол байрамига бағишланган партия тадбирларида мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб бергани кенг тарғиб қилинмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиевнинг "Ўзбекистон халқаро майдонда: миллий манфаатлар устун ва устувордир", ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анора Бобомуродованинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясининг амалга оширилиши" мавзусидаги маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинар доирасида иштирокчилар Навоий кон-металлургия комбинати музейида бўлишди. Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ Санақулов Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида олиб борилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самаралари Навоий вилоятида ҳам яққол бўй кўрсатаётганини таъкидлади. Айниқса, Навоий кон-металлургия комбинатини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Илҳом РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

— Буюк неъмат бўлган мустақиллик бизга улкан имкониятлар берди. Айниқса, ёшларимизнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, Ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганидан фахрланамиз. Айни пайтда турли ахборот хуружлари авж олиб бораётган бугунги глобаллашув даврида ўғил-қизларга юртимизнинг бой ва қадимий тарихи, дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралар ҳақида ҳаётий мисоллар асосида сўзлаб бериш уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу маънода, кекса авлод вакиллари ва ёшларнинг учрашуви тарзида ўтказилган бугунги семинар алоҳида аҳамиятга эга.

Нуриддин РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Хроника

Навқирон авлод тарбияси — доимий эътиборда

Наманган

ЎзМТДП Наманган туман кенгаши ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Соғлом бола — келажагимиз ворислари ва авлодимиз давомчиларидир" мавзусида акция ташкил этилди.

Тадбирда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва она-бола соғлигини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида этибор қаратилди.

— Ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш партиямизнинг сайловолди Платформасида устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган, — деди ЎзМТДП Наманган туман кенгаши раиси Ҳасанбой Холиқов. — Акция доирасида ана шундай дастурий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партиямиз саъй-ҳаракати билан Наманган, Поп ва Чуст туманларидаги моддий ва тиббий ёрдамга муҳтож оилаларнинг 75 нафар фарзандига "Бешкапа" болалар сиҳатгоҳида ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун имтиёзли йўлланмалар берилди.

Акция доирасида вилоят ўлкашунослик музейи ҳамда Наманган шаҳридаги маданий мерос объектлари бўйлаб саёҳат уюштирилди. Бу каби акцияларни вилоятнинг барча туманида ташкил этишга келишиб олинди.

Хоразм

ЎзМТДП Янгибозор туман кенгаши мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб, "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда партия туман кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" фаоллари, туман молия бўлими ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

— Мамлакатимизда мустақиллик айёмини муносиб кутиб олишга катта ҳозирлик кўрилмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси Санобар Худойберганова. — Партиямиз ўтказаётган байрамолди тадбирларда ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, улар онгига она Ватан муқаддаслиги ҳамда улуғ аждодларимиз хотирасига ҳурмат туйғусини сингдириш, бугунги тинчлик, осойишталик ва дориломон кунларнинг қадрига етиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидланганидек, мустақил Ўзбекистоннинг тарихан қисқа даврда эришган юксак натижалари, тараққиёт суръатлари, қўлга киритган ютуқ ва марралари замирида тинч ва осойишта ҳаётимиз шукронаси мужассам. Истиқлол шарофати билан миллий қадрият ва анъаналаримизни эъзозлаш, уларни янада бойитиш ва келгуси авлодларга етказиш, ўзлигимизни англаш, миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ёшларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсон қилиб тарбиялашга кенг йўл очилди.

Навоий

ЎзМТДП Хатирчи туман кенгаши "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда миллий қадриятларимизни тиклаш, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни обод қилиш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, уларда ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш хусусида сўз юритилди.

— Эртанги кунимизнинг таянчи бўлган ёшларнинг замонавий касб-ҳунар ва билимларни пухта эгаллаши учун барча шароит яратиб берилган, — деди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Акмал Халилов. — Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши ёшларимизда Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат ҳамда истиқлол неъматларига шукроналик ҳиссини янада кучайтиради. Партия сайловолди Платформасида белгиланган миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, гуманитар ҳаётини, миллий манфаатларни барча соҳада ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий маданият ва маънавий қадриятларимиз, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда кучайтириш каби мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилади.

У. АБДУРАСУЛОВ

ЎзМТДП дастури — амалда

Маданий меросимиз — миллий бойлигимиз

ЎзМТДПнинг онлайн саёҳат лойиҳаси юртимиз бўйлаб давом этмоқда

Самарқанднинг бетакрор обидалари, муқаддас қадамжолари бутун дунёга машҳур. Истиқлол йилларида Самарқанд янада чирой очди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Регистон мажмуаси, Амир Темур ва Руҳобод мақбаралари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Ҳазрати Хизр ва Бибихоним масжидлари, Мирзо Улуғбек расадхонасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Улар атрофида чиройли боғ ва хиёбонлар барпо этилди. Имом Бухорий, Имом Мотуридий қадамжолари обод қилинди. Аввало халқимиз, қолаверса, бутун инсоният бойлиги ҳисобланган ушбу ёдгорликлар 2001 йили ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

Самарқандда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг "Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида" онлайн саёҳат лойиҳасига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу хусусда сўз борди.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган мазкур лойиҳа Президентимизнинг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб моддий-маънавий меросимизни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида кенг тарғиб қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, Самарқанд вилоятида ўтган йиллар давомида улуғ алломалар, юртимиз тарихи ва халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган буюк сиймолар номи билан боғлиқ ўнлаб муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар обод этилди. Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилган ишлар айниқса эътиборлидир.

Онлайн саёҳат иштирокчилари Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини бориб кўрдилар.

— 1998 йил 23 октябрь куни мажмуанинг тантанали очилиш маросимида иштирок этган Юртбошимиз Ислом Каримов Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихори эканини таъкидлаб, бу табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир, деди, — дейди Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси бошқарув кенгаши раиси Субҳон Аббосов. — Бугун бу мажмуа жамики мусулмон оламининг муқаддас қадамжоларидан бири сифатида дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган зиёратчилар билан гавжум. Улар буюк муҳаддис мангу қўним топган масканни зиёрат қилиш билан бирга, унинг диний-маънавий меросидан баҳраманд бўлмоқда. Бу ердаги музейда сақланаётган ноёб китоб ва бошқа ашёлар ҳам меҳмонларнинг Имом Бухорий фаолиятига оид ҳамда мажмуа ҳақидаги тассаввурларини бойитишга хизмат қилмоқда.



ФИФА рефериси, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси Равшан Эрматов ўз таассуротларини шундай баён қилди:

— Самарқанд ҳақида гап кетганда унга нисбаттан кўҳна ва навқирон, дея таъриф берилиши бежиз эмас, — деди Равшан Эрматов. — Чунки бу ерда ўтмиш билан бугун ёнма-ён яшайди. Шаҳардаги бетакрор қадимий обидалар, замонавий иншоотлар, йўл ва кўприклар ўзаро уйғунлашиб кетган.

Бутун дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлганига чет эл сафарларида бўлганимизда кўп бор гувоҳ бўлдик. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ватанимиз мустақиллиги ҳар бир юртдошимизда ана шу фахр ва ифтихорни чин дилдан ҳис қилиш, буюк аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш имкониятини берди.

Қадимдан миллий ҳунармандлик санъатининг йирик марказларидан бўлиб келган Самарқанд вилоятида ушбу соҳа мустақиллик йилларида янада ривожланиб, ҳунармандлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Онлайн саёҳат иштирокчилари самарқандлик ҳунармандлар маҳсулотлари билан яқиндан танишдилар.

— Кулоллик — нозик касб. У инсондан юксак дид, қунт ва сабр-тоқат талаб этади, — дейди самарқандлик уста кулол Фирдавс Бердиев. — Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик анъаналарини ривожлантириш, ёшларга ўргатиш учун кенг шароит ва имкониятлар яратилган. Иш бошлайман, десангиз, банк кредити нақд, харидор тайин. Давлатимиз томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланиб, кулолчилик мактабини ташкил этишни ҳам режалаштирганмиз.

Тадбирда мамлакатимизда яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар бобомерос бўлиб келаётган кўҳна ҳунар сирларини янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Самарқанд каштачилиги, ёғоч ўймакорлиги намуналари , айниқса, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

* * *

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкентда қадимдан илм-фан, ҳунармандлик ва савдо-сотиқ ривожланган. Ғарбу Шарқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган шаҳардан дунёнинг турли мамлакатларидан йўлга чиққан карвонлар ўтган. "Шарқ дарвозаси" деган ном олган, икки минг икки юз йилдан зиёд тарихга эга Тошкент шаҳри тилга олинганида, табиийки, унинг қадимий ўтмиши ва бой маданий меросидан гувоҳлик берувчи тарихий обидалари, урф-одат ҳамда анъаналари кўз олдимизда намоён бўлади. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, янги иншоотлар, муҳташам маданият ва спорт саройлари, равон йўллар, боғ ва хиёбонлар барпо этилди. Шаҳарнинг бугунги қиёфасида анъанавий ва замонавий гўзал архитектура намуналари ҳамда ислом маданияти қадриятлари ўзаро уйғунлашиб кетган.

Тошкент шаҳрида маҳаллий ва республика аҳамиятига молик 424 тарихий ва маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Улардан 34 таси археологик, 356 таси меъморий ёдгорликлар бўлса, 31 таси маҳобатли санъат ёдгорликлари — ҳайкаллар ва учтаси диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳлардир.

Онлайн саёҳат иштирокчилари Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор масканларида ҳам бўлдилар.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Мазкур онлайн саёҳатнинг мустақиллигимизнинг 25 йиллик шодиёнаси арафасида ташкил этилиши ўзига хос рамзий маънога эга, — деди партия шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Асадбек Бобожонов. — Бу, ўз навбатида, маданий мерос объектлари тарихини чуқур ўрганиш, ёш авлодда аждодлар меросига эҳтиром уйғотиш, уларни миллий маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Онлайн саёҳат иштирокчилари дастлаб Тошкентнинг қадимий гўшаларидан бири — Шайхонтоҳур ёдгорлиги мажмуаси, унинг бунёд этилиш тарихи ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

Шайхонтоҳур ёдгорлиги мажмуасига бундан VI аср олдин асос солинган. У йиллар давомида шаклланиб йирик мажмуага айланган. Бу жой бир пайтлар йирик маданий-маърифий марказ саналган: турли байрам, йиғинлар ўтказилган, бозори гавжум бўлган. Аммо бизгача Шайх Ховандн Тоҳур, Юнусхон ва Қалдирғочбий мақбаралари сақланиб қолган. Унга яқин жойлашган Кўкалдош мадрасаси, Шайх Зайниддинбобо ва Сузукота қадимий обидалари ҳам сайёҳлар эътиборини тортмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу тарихий масканлар қайта тикланди, пойтахтимизнинг бетакрор гўшасига айланди.

Шундан сўнг, онлайн саёҳат иштирокчилари Ҳазрати Имом мажмуасидаги Бароқхон мадрасаси, Абулқосим мадрасаси ҳамда "Минг ўрик" тарихий мажмуаси билан яқиндан танишдилар. Уларга обидаларнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Бу обидаларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эга, — деди халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар филиали раиси Дурбек Муҳаммадкаримов. — Ушбу Абулқосим мадрасасида Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ғулом Зафарий ва Абдурауф Фитрат каби улуғ мутафаккирлар таҳсил олганлар. Ҳазрати Имом мажмуаси Президентимиз ташаббуси билан буткул янги қиёфа касб этди. Бу ерда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик тимсоли бўлган лайлаклар йил бўйи қўним топган. Қуръони каримнинг ҳазрати Усмон даврида кўчирилган илк ноёб нусхаси ҳам ушбу мажмуада сақланади.

"Минг ўрик" тарихий мажмуасига ташриф буюрган онлайн саёҳат иштирокчилари бу ерда ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлишди. Тадбир давомида юртимиз тарихига ўзгача буюклик салобатини бахш этаётган бундай тарихий-маданий обидаларининг келажак авлодга ҳам бус-бутун етиб бориши йўлида ҳар фуқаро масъул эканлиги алоҳида таъкидланди.

...Ҳа, юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос анъаналари, тарихий обидалари, табиий иқлим шароити билан диққатга сазовор. Тошкентдаги маданий ва тарихий ёдгорликларни юртдошларимиз қатори ҳар йили минглаб хорижий сайёҳлар ҳам зиёрат қилади. Қадим юртимиз тарихи, маданий мероси, истиқлол йилларида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишда эса "Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида" каби лойиҳалар муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Гулноза МУСТАФОЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси,
Усмон АБДУРАСУЛОВ,
журналист

Ташаббус натижа берди

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан

халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши сессиясида Шаҳарсозлик кодекси ижроси муҳокама этилди

Андижон — истиқлол шарофати билан юртимизнинг энг мафтункор ва кўркам ҳудудларидан бирига айланди. Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида вилоят буткул замонавий қиёфа касб этмоқда: муҳташам иншоотлар, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт масканлари, мактаблар, маданият саройлари, спорт мажмуалари, истироҳат боғлари, йўл ва кўприклар барпо этилди.

Хусусан, Андижон шаҳридаги Ўзбекистон ва Миллий тикланиш кўчалари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур майдони, шу атрофдаги замонавий савдо шохобчалари, Олтинкўл, Улуғнор, Жалақудуқ туманлари марказлари қайтадан бунёд этилди. Буларнинг барчаси, албатта, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг фаровон ҳаёти инъикосидир.

Бунёдкорлик ва қурилиш ишларига оид қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Шаҳарсозлик кодекси ушбу ишлар самарадорлигида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилаётир.

Партия фаоллари ҳамда депутатлик бирлашмалари мазкур меъёрий ҳужжатларнинг ҳудудлардаги ижросини ўрганиб, ўз ечимини қутаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан сессияларга ташаббус-масала билан чиқмоқда. Яқинда ЎзМТДП гуруҳи халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига яна бир ташаббус-масала киритди. Унда вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарининг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар ҳудудларнинг янада чирой очиши, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Жорий йилда ҳам Андижон вилоятининг 27 ҳудудида ана шундай 1 минг 139 уй-жой қурилиши режалаштирилган. Ҳозирга келиб, 500 дан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилган, қолганлари эса тасдиқланган режага асосан мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилади. Бундан ташқари, яқин кунлар ичида вилоятдаги қишлоқ ҳудудларида 17 савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилиб, фойдаланишга топширилади. Андижон, Балиқчи, Булоқбоши, Олтинкўл, Марҳамат, Шаҳрихон туманларида гузар, савдо мажмуаси, болалар майдончаси ҳамда бошқа маиший объектлардан иборат 9 иншоот иш бошлайди.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилалар учун уй-жой қурилиши Давлат дастурининг бажарилишини бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган, — дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Набижон Жалолов. — Шу боис вилоятнинг шаҳар ва туманларида олиб борилаётган қурилиш ишларининг Шаҳарсозлик кодекси қоидаларига қай даражада мос келиши доимий эътиборимизда. Сессияга киритилган ушбу масала ҳам бу борадаги ишларимизнинг мантиқий давомидир. Мазкур масалани ўрганиш жараёнида вилоятнинг Бўз, Андижон, Жалақудуқ, Хўжаобод, Балиқчи, Қўрғонтепа, Улуғнор ва Асака туманларида янги уй-жойлар қуриш ишлари қисқа муддатда ва сифатли амалга оширилаётгани аниқланди. Бироқ Пахтаобод, Избоскан, Булоқбоши туманларида янги уй-жойлар қурилишида миллий меъморчилик анъаналари ва безакларига етарли аҳамият қаратилмаётгани, баъзи ҳудудларда пала-партиш қурилаётганига ҳам дуч келдик. Хонобод шаҳри, Марҳамат ва Бўз туманларида қурилиши олиб борилаётган объектларга ташқи тўсиқлар ўрнатилмаган. Бу эса, энг аввало, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига мос эмас. Партия гуруҳимиз ҳудудлардаги шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш, кўчалар, хиёбонлар ва боғларни ободонлаштириш, шаҳарларнинг тарихий-миллий қиёфасини сақлаб қолиш ва бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиб, вилоят архитектура бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотларга юборди.

Сессияда билдирилган мулоҳазалар, таклиф-тавсиялар асосида қарор қабул қилинди. Унга кўра, вилоят архитектура бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотларга уй-жойлар қурилишини лойиҳалаштиришда миллий меъморчилик анъаналарига риоя қилиш, замонавий бинолар қурилиши жараёнида тарихий обидаларга зарар етказмасликни таъминлаш вазифаси юклатилди. Вилоятдаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш мақсадида улар атрофидаги барча йўлда оғир юк ташувчи автомобиллар ўтишини чеклаш, ҳудудда айланма автомобиль йўлларини қуриш юзасидан лойиҳалар ишлаб чиқиш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Шунингдек, туман, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантиришда кўчалар, хиёбонлар ва боғларни ободонлаштириш, шаҳарларнинг тарихий-миллий қиёфасини сақлаб қолиш ва бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш лозимлиги белгиланди.

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан сессияда муҳокама қилинган мазкур масала қурилиш ва бунёдкорликда энг илғор хорижий тажриба ва миллий меъморчилик анъаналарини кенг қўллаш, ижтимоий иншоотлар ва турар жойларни бунёд этишда бири иккинчисини такрорламайдиган меъморлик услубларидан изчил фойдаланиш, аҳолига янада қулайлик яратиш, замонавий биноларни қуриш жараёнида қадимий иншоотларни муҳофаза қилиш ва зарар етишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Замира РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Парламент конференцияси

Парламент фаолиятини янада ривожлантириш — муҳим вазифа

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида парламент конференцияси ташкил этилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов ва бошқалар истиқлолнинг илк кунларидан Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қиладиган мустақил тараққиёт йўли белгилаб олингани, бу жараёнда инсон манфаатларига хизмат қиладиган қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган демократик миллий парламент шакллантирилганини алоҳида эътироф этди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида изчил олиб борилаётган демократик ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда халқ вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимият бўлган профессионал парламент тўлиқ шакллантирилди. Ҳозирда ҳар иккала палатанинг фаолияти тобора такомиллашиб, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ифодаловчи, тегишли қонун ҳужжатлари асосида мустаҳкамловчи орган сифатида парламентнинг жамиятдаги ўрни тобора ошиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бир палатали парламент ёш мустақил давлатнинг демократик сиёсий тизими, адолатли фуқаролик жамияти, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ҳуқуқий негизини яратишга, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга, миллий давлатчилик пойдеворини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшди. Бу даврда Конституциямиз қабул қилинди, халқимизнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизимига ҳуқуқий замин яратилди. 2002 йилнинг 27 январида Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари асосида икки палатали, мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал орган — Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудлар манфаатини ифода этадиган вакиллик органи — Сенатдан иборат парламентни шакллантириш учун ҳуқуқий асос яратилди. Икки палатали парламент эса мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимияти ваколатлари ва назорат вазифаларининг ролини кучайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимизда парламент фаолиятини мутлақо янгича услубда ташкил этиш, унинг ваколатларини самарали амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Маърузада белгилаб берилган устувор йўналишлар Қонунчилик палатасининг яқин ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган режаларига асос бўлди.

— Ўзбекистонда демократик қурилиш, жумладан, замонавий парламентаризмни шакллантириш ва ривожлантириш борасида сезиларли тажриба тўпланди, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор Музаффаржон Мамасиддиқов. — Мазкур амалиёт мамлакатимизда кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг тадрижийлиги ва тизимлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси палаталарнинг фаолиятини янада кучайтиришга йўл очди. Шу асосда Конституциямизга киритилган тузатишлар Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ваколатларини янада кенгайтирди. Хусусан, Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш, парламент назоратини амалга ошириш Олий Мажлис ваколатларига киритилди. Муҳокама этилаётган ҳар бир қонун лойиҳаси ёки Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси сиёсий партия фракцияларининг йиғилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, сўнгра кун тартибига киритилаётгани бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда.

Конференцияда парламентда сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди. Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, кўп партиявийликни ривожлантириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди, уларнинг қонун ижодкорлиги иши самарадорлигини оширишда тутган ўрнини, фракцияларароо соғлом тортишувни сезиларли даражада оширди. Парламентдаги кўпчиликнинг ва парламентдаги мухолифатнинг ҳуқуқлари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида иккита партия фракцияси — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат Демократик кучлар блоки тузилган ва самарали ишлаб турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари тимсолида парламент мухолифати фаолият кўрсатаётир.

— Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламентнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов. — Жумладан, парламентимиз томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ҳамкорлигини янада ривожлантиришда, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишида алоҳида аҳамият касб этаётир. Бунда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунларнинг самарали ижроси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолият юритаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Парламент конференциясида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг самарали тизимини яратиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, истиқболда парламентни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари белгилаб олинди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

Туризм — иқтисодий тараққиёт омили

Юртимиз бой тарихи, ноёб осори-атиқалари, мафтункор табиати, жозибаси ва гўзаллиги билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этиб келмоқда. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида миллий туризмни ривожлантириш, мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда турли даврларга мансуб тўрт мингдан ортиқ архитектура ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Уларнинг 140 таси ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ушбу соҳага устувор аҳамият қаратилиб, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. 1999 йилда "Туризм тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Соҳадаги жадал ўзгариш ва янгиланишлар натижасида 2006 йилда мазкур қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бугун Ўзбекистон дунё туризм бозорида 120 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар асосида фаолият юритмоқда.

Сўнгги йилларда туризмни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 0,1 фоиздан 2 фоизгача кўтарилди. Мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сўнгги ўн йилда 6 баробар ортди. Бой тарихий-маданий меросимиз халқаро туризм бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашимизда муҳим омил бўлмоқда. Ана шу имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, жаннатмонанд Ўзбекистонимизни сайёҳларнинг севимли масканларидан бирига айлантириш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Зеро, туризм нафақат юқори даромад келтирувчи соҳа, балки мамлакатларнинг миллий маданияти, тарихи, анъаналари ва эришаётган ютуқларини тарғиб қилишнинг қулай ва самарали тизими ҳамдир.

Туризм соҳасида қисқа муддатларда улкан муваффақиятга эриша олган Европа давлатлари, Австралия ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим ўрин тутади. Масалан, Жанубий Кореяда автомобилсозликдан 3 миллиард, туризмдан эса 4 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад қилинмоқда.

Юртимизда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг жуда кўп омиллари мавжуд. Улардан энг муҳими — аэропорт: у ерда таклиф этилаётган хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш. Экспертларнинг таъкидлашича, аэропортдан шаҳарга чиқишгача бўлган жараён — паспорт ва божхона назорати, юкларни олиш ва транспортгача етиб бориш жараёнини янада ихчамлаштириш ва қулайлик яратиш мақсадга мувофиқ. Чунки туризм ривожи аэропортлар фаолияти билан бевосита боғлиқ. Қолаверса, ҳар қандай сайёҳнинг мамлакат ҳақидаги тасаввурининг 70 фоизи аэропортда яратилган шароит ва кўрсатилаётган хизматлар асосида шаклланар экан.



Шу боис мамлакатимизга келаётган сайёҳларни паспорт назоратидан қисқа муддат ичида ўтишини таъминлашда халқаро тажрибада кенг қўлланилаётган тизим — маҳаллий ва хорижий фуқароларни алоҳида паспорт назорати пунктларидан олиб ўтишни жорий қилиш ва паспорт назорати пунктларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, сайёҳлар учун юкларни олиш ва транспорт воситасига олиб чиқиш учун янада қулайлик яратиш зарурати ҳам мавжуд. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари аэропортларида бўлгани каби юк аравачаларини махсус жетонлар билан олиш, транспорт воситасигача олиб келиш амалиётини жорий этиш лозим. Бу ҳам сайёҳларга қулайлик яратади, ҳам миллий авиакомпанияга қўшимча даромад келтиради. Шунингдек, туризм тармоғида фаолият кўрсатадиган оилавий тадбиркорларни алоҳида рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳам яхши самара беради. Уларга солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар бериш, тажриба алмашиш истиқболда туризм маҳсулоти сифати ва жозибадорлигининг янада ортишига хизмат қилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан Тошкент халқаро аэропортининг янги терминали қурилишини лойиҳалаштириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги келишувини алоҳида таъкидлаш лозим. Қурилиши режалаштирилаётган ушбу янги терминал сайёҳларга халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини ошириш, туризм маҳсулотини тайёрлаш, сотиш ва тарғиб қилишда "Ўзбектуризм" миллий компанияси асосий ўрин тутади. Шу боис мазкур компания фаолиятини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм сайёҳлик йўналишларини алоҳида пакетлар сифатида сотиш тизимини ишлаб чиқиш, соҳага бошқа ҳудудларни ҳам кенг жалб қилиш давр талабидир. Шунингдек, айни пайтда "Туризм тўғрисида"ги қонунни янада такомиллаштириш, унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, соҳада кўрсатиладиган хизматлар ва стандартларни халқаро даражага мослаштириш учун "Туристик фаолиятни лицензиялаш" тўғрисидаги Низомни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида туризм соҳасини ривожлантириш иқтисодий соҳадаги муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, хорижий меҳмонлар учун мамлакатимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш, соҳадаги мавжуд маъмурий-буйруқбозликни, хорижий ва маҳаллий туристлар учун расмиятчиликни бартараф этиш, хорижий сайёҳларни рўйхатдан ўтказиш, улар учун автомобиль ташув хизматлари билан боғлиқ жараёнларни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш партиянинг асосий мақсадларидан. Уларни бажаришда соҳадаги илғор халқаро тажрибани пухта ўрганиш, халқаро конференция ва семинар-тренинглар ташкил қилиш, мутахассисларнинг фикрлари билан ўртоқлашиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада партиямиз ҳамда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Жойларда компаниянинг минтақавий бўлимлари билан ҳамкорликда конференция, семинар ва тарғибот тадбирлари ташкил этиб келинмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг мазкур масала мамлакатимиз ривожи ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳамда барча даражадаги партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, туризм соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш унинг янада кенг қулоч ёйишига замин ҳозирлайди.

Алишер ҚОДИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

MILLIY TIKLANISH
33 (405) 2016 йил 24 август, чоршанба

Тараддуд

Мактаб ярмаркалари

ёш авлоднинг янада чуқур билим эгаллашига қулайлик яратади

Янги ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Фарзандим бу йил мактабга чиқади. Қувончим чексиз. Бу ҳисни ўғил-қизи мактаб ёшига етган ота-оналар жуда яхши билади. Дилбандининг ораста, чиройли бўлиб юришини истаган ота-она борки, ҳар янги ўқув йили олдидан ташкил этиладиган мактаб ярмаркалари томон йўл олиши табиий...

Халқ таълими вазирлиги маълумотларига қараганда, бу йил мамлакатимиз шаҳар ва туманларида иш бошлаган 1 минг 978 мактаб ярмаркасида ўқувчилар учун 26 турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар ҳамда мактаб кийим-кечаклари сотилмоқда. Ярмаркалар умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, аҳоли гавжум бўлган бозорлар, йирик савдо мажмуаларида ташкил этилди. Олис чўл ва тоғли ҳудудда яшовчи аҳоли учун эса юзга яқин кўчма автодўкон хизмати йўлга қўйилди.

Юқори сифатли дарслик ва ўқув адабиётлари, ўқув қуролларининг сифати, ўқувчи диди ва дунёқарашига мос ишлаб чиқилгани, танлаш имконияти кенглиги харидорларга манзур бўлмоқда.

...Шаҳзод пойтахтимиздаги 86-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси. Уни Аския бозорида ташкил этилган мактаб ярмаркасида учратдик.

—Мен математика, ўқиш, она тили фанларига, расм чизишга қизиқаман, — дейди у. — Ёзги таътил давомида ҳам бекор юрмадим: ўтган йилги дарсларни такроран ўқидим. Мактаб ярмаркасида ҳамма нарса бор экан. Дарс жараёнида керак бўладиган ўқув қуроллари харид қилдим. Айниқса, расм қаламларни айтмайсизми, хоҳлаган тури ва рангидан бор. Улар билан истаган расмингизни чиза оласиз...

Мактаб ярмаркаларида сотилаётган ўқув қуролларининг аксарияти юртимизда ишлаб чиқарилган. Барча турдаги дафтар муқоваси миллий қадрият ва анъаналаримизга мос: юртимиз манзаралари, буюк алломаларимиз суратлари билан безатилган.

Мактаб либослари тоза ипак ва пахта толасидан тайёрланган газламадан тикилган: ҳам қулай ва бежирим, ҳам санитария-гигиена талабларига жавоб беради. Ўқув қуролларининг ҳам кўриниши ихчам, сифати юқори. Уларни Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси етказиб бермоқда.

Бундан ташқари сотилаётган маҳсулотлар нархи ҳам ҳамёнбоп. Савдо нуқталарининг терминал, назорат-касса аппарати билан таъминлангани харидорларга қулайлик туғдирмоқда.

—Боланинг яхши таълим олиши ва соғлиги учун мактаб кийим-кечаклари сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" АЖ бош мутахассиси Маҳбуба Султонова. —Шу боис мактаб ўқувчилари либосига нисбатан жуда юқори талаб қўйилган. Энг аввало, либоснинг матоси табиийлиги ва сифатига аҳамият берилади. Чунки пахта ва табиий ипакдан тикилган либос баданни қишда иссиқ, ёзда салқин тутади. Мактаб ўқувчилари табиатан жуда серҳаракат бўлади. Югуриб-елган бола, албатта, терлайди. Табиий матодан тикилган либоснинг ҳаво ўтказувчанлик хусусияти юқори бўлади. Шу боис, ўқувчилар учун кийим-кечак тикадиган корхоналар маҳсулоти ҳар доим назоратдан ўтказиб борилади. Айни пайтда ўзимизда тайёрланаётган маҳаллий маҳсулотлар хорижники билан бемалол рақобатлаша олади. Корхоналаримиз ярмаркаларда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан кенг турдаги либослар туркумини таклиф этяпти.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, агентлик мактаб ўқувчиларини юртимиз матбаа корхоналарида ишлаб чиқарилган сифатли, экологик талаб ва меъёрларга жавоб берувчи, миллий маънавиятимизга мос, хавфсиз босма маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб боради. Агентлик қошида дафтарларни ишлаб чиқариш, уларни миллий маънавиятимизга мос келадиган расмлар билан безатиш масалаларини муҳокама этувчи доимий ишчи гуруҳ тузилган. Аммо шунга қарамай, айрим бозорларда талабга жавоб бермайдиган контрафакт маҳсулотлар учраб туради. Бунинг олдини олиш учун эса доимий профилактика ишлари олиб борилмоқда. Нархларни сунъий оширишга йўл қўймаслик мақсадида ҳам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яшнобод туманидаги 145-умумтаълим мактаби қошида ташкил қилинган ярмарка болалар, ота-оналар билан гавжум.

Дафтар муқоваларида Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ғафур Ғулом, Зулфия каби аллома ва адибларимизнинг суратлари акс этгани барчага бирдай маъқул бўлмоқда.

—Она тили фани учун шоира Зулфияхоним сурати акс этган дафтарни танладик, — дейди бу йил 5-синфга кўчган Мубинахон.

— Набираларимга ўқув қуроллари сотиб олишга келдик, — дейди пойтахтлик Гулчеҳра Қулжонова. — Қаранг, пештахтада ўқувчи учун барча турдаги маҳсулот бор. Ҳам мактаб, ҳам спорт кийимлари сотиляпти. Нархи арзон, сифати яхши. Энг муҳими, кун бўйи бозор айланиб, овора бўлмайсиз. Дафтарлар муқовасида тарихий масканларимиз, мустақиллик даври инқилоблари, алломаларимизнинг сурат ва ўгитлари ўрин олган. Ўқув қуролларини набираларимнинг ўзлари танлашди. Буларни кўриб хавас қилдим, кўнглим ғурурга тўлди. Болаларимизни бундай дориломон кунларнинг қадрига етишга ўргатиш биз кексаларнинг бурчимиз.

Мактаб ярмаркалари шу йилнинг 10 сентябрига қадар фаолият кўрсатади.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Музейда бир кун

Илдизлари теран дарахт бақувват бўлади, узоқ яшайди. Халқимизнинг қадриятлари, анъаналарини ҳам шунга менгзаш мумкин. Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келаётган миллий урф-одат, боболаримиздан мерос қадрият ва анъаналар мангуликка дахлдор.

Кураш халқаро музейи

ноёб экспонатлар билан бойимоқда

Пойтахтимиздаги Кураш халқаро музейини айланаётиб, хаёлдан ана шундай ўй-фикрлар ўтди. Унда томошабин жаҳонга юз тутаётган ўзбек миллий курашининг узоқ ва яқин ўтмиши, қисқа вақт ичида забт этилган юксак марралар, улкан муваффақиятларга гувоҳ бўлади. Экспонатларда истиқлол туфайли кенг қулоч ёйган миллий спортимизнинг кечаги ва бугунги куни худди кино тасмасидек кўз олдингизда яққол акс этади. Кураш бўйича ўтказилган илк халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатларининг кубок ва медаллар нусхалари, қизғин ва муросасиз лаҳзалар акс этган суратлар томошабинда ҳам муайян тасаввур, ҳам ғурур ва ифтихор уйғотади.

...Ўзбек кураши тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Кураш асрлар мобайнида аждодларимизнинг мардлик ва инсонийлик фазилатлари тимсоли бўлиб келган. Унда халқимизнинг турмуш тарзи, миллий маданияти, ўтмиши ва келажаги мужассам. Дунёнинг 123 мамлакатидан келтирилган беш юзга яқин экспонат халқимизнинг ана шундай бебаҳо мероси бугун халқаро миқёсда ҳам юксак нуфузга эга бўлиб бораётганидан яққол дарак беради. Ҳар бир экспонат остида у қайси давлатдан келтирилгани ҳақида маълумот битилган. Мана бу мўъжаз экспонат олис Африкадан келтирилган. Уларни томоша қила туриб, бизнинг миллий спортимиз билан бугун ўзга қитъаларда ҳам шуғулланишаётгани ва уларнинг тилида соф ўзбекча сўзлар жаранглаётганига гувоҳ бўласиз.

Истиқлолнинг илк йилларидан Президентимиз раҳнамолигида ўзбек миллий кураши кенг оммалаштирила бошланди. Шу мақсадда Шаҳрисабзда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ ва Россияда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг тарғиб этилди. Бунинг натижасида 1998 йил 6 сентябрь куни ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этилди. Осиё, Европа ва Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциациясига асос солинди. Бугун сайёрамизнинг беш қитъасида кураш конфедерациялари, 130 га яқин мамлакатда кураш федерациялари фаолият олиб бормоқда.

—Мана бу экспонат—ІКА олтин ордени нусхаси, — дейди Кураш халқаро ассоциацияси бўлим мудири Жамшид Намозов. — Ушбу орден давлат раҳбарлари, кураш ривожига салмоқли ҳисса қўшган олий мартабали инсонларга берилади. Мазкур орден билан биринчи бўлиб Президентимиз Ислом Каримов тақдирланган. Буниси эса ІКА олтин медали. Бу медал бугунги кунгача 64 нафар федерация раҳбари, турли мамлакатларда кураш ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонларга берилган.



Музейдаги яна бир экспонат эътиборимизни тортди. Бу — дунё кураш элчиси унвони. Музей ходимларининг айтишича, бу унвон курашни дунё миқёсида кенг тарғиб этишда беқиёс ҳисса қўшган шахсларга берилади. У ҳозирча ҳеч кимга насиб этмаган. Ҳиндистонликлар машҳур актёр Шоҳрух Хонни ушбу унвонга тавсия этишган бўлса-да, бироқ ІКА унинг номзодини қўллаб-қувватламаган. Боиси, бу унвон курашни фақат бир давлатда эмас, балки дунё миқёсида тарғиб этган шахсга берилади.

Музейда, шунингдек, кураш ҳақида турли давлат ва тилларда чоп этилган илмий-оммабоп асарлар, кураш қоидалари ҳақида дарслик ва қўлланмалар ўрин олган. Эътиборимизни Кураш халқаро ассоциацияси томонидан миллий спортимизни янада кенг тарғиб этиш, уни ўргатишнинг замонавий ва қулай воситаларини жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилган "Кураш электрон қўлланмаси" тортди. Қўлланмада кураш халқаро қоидалари ва усуллари, кураш тарихи, этикаси, мусобақалар ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари овозли, матнли, сурат ва видеотасвирли тарзда ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилган.

Таниқли рассом, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси Ортиқали Қозоқов мўйқаламига мансуб "Кураш дунёни забт этмоқда" асари томошабинлар эътиборини тортади. Унда рассом икки кекса ўзбек полвони тимсолида миллий курашимизнинг бор сиру синоатини маҳорат билан тасвирлаган.

Кураш халқаро музейи йилдан-йилга ноёб экспонатлар билан бойиб бормоқда. Чунки кураш бугунги кунда жаҳон миқёсида тобора кенг оммалашиб бораётир. Бу жараёнда ушбу музей аҳоли, айниқса, ёшларнинг миллий қадриятимиз бўлган кураш тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама ўрнида

Банк кўмаги тадбиркорлик ривожига хизмат қилади

MIKROKREDITBANK

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар иқтисодиётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада соҳа вакиллари учун кенг имконият ҳамда имтиёзлар яратилиб, улар тайёрлаётган рақобатбардош маҳсулотлар ички ва ташқи бозордан мустаҳкам ўрин эгаллаяпти. Табиийки, бу жараёнда тижорат банклари ажратаётган кредит маблағлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиблари анча соддалаштирилиб, арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларини рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида солиқ органлари режали текширишни тақиқловчи тартибни жорий қилди. Янги, янада мукаммал, очиқ ва ошкора давлат харидлари механизми белгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳамда молия ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказилмоқда.

Айни кунда АТБ "Микрокредитбанк" маблағлари, замонавий хизматлари орқали ўз омонатларини кўпайтираётган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бозорларимиз тўкинлигига, ҳудудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган изланувчан, ташаббускор, тадбиркор ҳамюртларимизнинг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланиб улгурди. Замон талаблари асосида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётган "Микрокредитбанк"ка аҳолининг ишончи тобора ортиб бормоқда. Бу микрокредит хизматларидан кенг фойдаланаётганлар сони тобора ортиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

"Микрокредитбанк" АТБ мақсадли, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Банк, айниқса, қишлоқ жойларда оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида 3,5 миллиард сўм миқдорида бошланғич сармоялар ажратди. Имтиёзли кредитлар ажратиш орқали аёллар ва ёшлар, энг муҳими, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун уларни ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Республикамизнинг чекка ҳудудларида юртдошларимиз, айниқса, тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида бўлган аёлларга молия хизматлари, кредитлар тўғрисида кенгроқ маълумот бериш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси билан қўшма қарор имзоланиб, семинарлар ўтказилди.

Молия муассасаси 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш мақсадида 434,5 миллиард сўм имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш юзасидан дастур ишлаб чиқди. Мазкур маблағлар ўзлаштирилишида асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш каби лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилмоқда. Ўтган олти ой давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 223,6 миллиард сўм имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Банк аёллар ва оила тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Аёл тадбиркорларга, шунингдек, ишловчиларининг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 62,1 миллиард сўм кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига 6, 6 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

"Микрокредитбанк" АТБ ҳудудлардаги бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизида ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш бўйича 2016 йилда молиявий соғломлаштириш Дастурига киритилган 53 лойиҳага 6,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратди. Бошқа лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда молиялаштирилиши бўйича банк доимий ишлар олиб бормоқда. Лойиҳаларга ўз вақтида кредит ажратиш бўйича барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш ва техник, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга 274,9 миллиард сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди. Банк ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш дастурида фаол иштирок этиб, коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш борасида ҳам кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ёш оилаларни ҳар томонлама моддий қўллаб-қувватлаш, уларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш, уй-рўзғор буюмларини харид қилиш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадлари учун йил бошидан буён 27,9 миллиард сўм миқдорида имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитлар ажратилди. Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори 80,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хом ашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунингдек, кредит ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсади учун 83,1 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Банкдан олинган микрокредитлар жойларда, жумладан, чекка ва қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантиришга керак бўлган бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратиш билан бирга, аҳоли, хусусан, аёллар ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Банк озиқ-овқат саноати корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматлар кўламини ошириш чораларини кўрмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 106,8 миллиард сўм, 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 82,5 миллиард сўм кредит ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, "Микрокредитбанк"нинг молиявий кўмаги эвазига фаолиятини ривожлантираётган корхоналар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва сифатининг ошишига, халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Дания парламенти

бир палатали бўлиб, унда тўрт йил муддатга сайланадиган 179 депутат фаолият юритади

Дания қироллиги — Европанинг шимолий-ғарбидаги давлат. Ютландия ярим оролининг катта қисмини ва унга яқин ороллар гуруҳи (Зеландия, Фюн, Лолланн, Фальстер ва бошқалар)ни ўз ичига олади. Майдони — 43 минг 43 квадрат километр (Гренландия ва Фарер ороллaридан ташқари). Аҳолиси — 5,6 миллион. Пойтахти — Копенгаген шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоят (амт)га, улар эса коммуналарга бўлинади. Копенгаген ва Фредерикеберг шаҳарлари мустақил маъмурий бирликка ажратилган бўлса ҳам, вилоятларга тенглаштирилмаган. Ички мухторият мақомидаги Фарер ҳамда Гренландия ороллари Дания қироллиги таркибига киради.

Дания давлат бошқарув шаклига кўра конституциявий монархия. Амалдаги Конституцияси 1953 йил 5 июнда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — қирол ёки қиролича (1972 йилдан қиролича Маргрете II). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Фолькетинг (бир палатали парламент) амалга оширади. Фолькетингда умумий, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланадиган 179 депутат фаолият юритади. Фарер ҳамда Гренландия ороллaридан иккитадан депутат сайланади. Қирол (қиролича) ижроия ҳокимиятни — Бош вазир ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади.

Парламент кенг ваколатларга эга. Хусусан, қонунларни қабул қилади, уларнинг ижросини назорат қилади, давлат бюджетини тасдиқлайди, ҳукумат фаолияти устидан назоратни амалга оширади, ҳукумат ёки вазирларга нисбатан ишончсизлик билдиради. Сайловда энг кўп овозни қўлга киритган партия ёки партиялар коалицияси Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш ҳуқуқига эга. Жиноят жойида қўлга олинишни ҳисобга олмаганда, бирорта депутат Фолькетинг рухсатисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Депутатлар ҳамда ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонун уч ўқишда қабул қилинади. Даставвал қонун лойиҳаси ўрганиб чиқиш учун доимий ёки махсус комиссияга тақдим этилади. Тегишли комиссияда муҳокама қилинган лойиҳа иккинчи ўқиш учун юборилади. Мазкур босқичда лойиҳанинг ҳар бир моддаси обдон кўриб чиқилади. Учинчи ўқишда қонун лойиҳасидаги барча жиҳат умумлаштирилади. Шундан сўнг лойиҳа овозга қўйилади. Депутатларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирда қонун лойиҳаси қабул қилинган ҳисобланади. Сўнгра қонун лойиҳаси қиролга юборилади. Қирол эса лойиҳани 30 кун ичида тасдиқлайди.

Ҳар бир депутат парламентга қонун лойиҳасини киритиши мумкин. Парламентнинг бешдан икки қисми қонун лойиҳасини иккинчи ўқишдан сўнг, учинчи ўқиш бошлангунига қадар — ўн икки кун ичида референдумга қўйиш ташаббусини илгари суриши мумкин.

Парламентнинг учдан бир қисми лойиҳа қабул қилинганидан сўнг уч кун ичида Фолькетинг раисига бу борада референдум ўтказилишини сўраб, ёзма мурожаат юборади. Агар талаб қондирилса, лойиҳа эълон қилинади. Референдум лойиҳа эълон қилинганига 12 кун тўлмай ёки 18 кун кечиктириб ўтказилиши мумкин эмас. Сайловда иштирок этган фуқароларнинг кўпчилик қисми қонун лойиҳасига қарши овоз берса, у рад этилган ҳисобланади. Молиявий йўналишдаги қонун лойиҳалари референдумга қўйилиши мумкин эмас. Парламентнинг ҳар қандай қарори депутатлар таркибининг камида ярми иштирокида қабул қилинади.

Парламентнинг муҳим ваколатларидан бири — ҳукумат фаолиятини назорат қилиш. Агар Фолькетинг ҳукумат ёки Бош вазирга ишончсизлик билдирса, улар истеъфога чиқиши лозим. Шунингдек, парламент вазирларни қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун Давлат суди олдида жавобгарликка тортишга ҳақли.

Фолькетинг ўз таркибидан халқаро масалалар бўйича қўмитани шакллантиради. Ҳукумат ташқи сиёсат бўйича айрим муҳим масалалар юзасидан қарор қабул қилиш олдидан мазкур қўмита билан бамаслаҳат иш юритади.

Янги сайланган парламентнинг илк мажлиси сайловдан сўнг ўн икки кун ўтиб, соат 12 да ўтказилади. Бироқ қирол парламент мажлисини олдинроқ чақириши мумкин. Парламент сессияси октябрь ойининг биринчи сешанбасида бошланиб, кейинги йил октябрь ойининг илк сешанбасига қадар давом этади. Фолькетинг ўз регламентини қабул қилади. Парламент мажлислари очиқ-ошкор тарзда ташкил этилади. Депутатлар таркиби тасдиқланиб бўлгач, парламент аъзолари таркибидан раис ва унинг ўринбосари сайланади. 2015 йилнинг 3 июлидан Пиа Кьярсгаард Фолькетинг раиси вазифасини бажариб келмоқда.

Парламент доимий комиссияси партия фракцияси аъзоларидан шакллантирилади. Бундан ташқари, муайян масалани тадқиқ этиш ёки бирор-бир қонун лойиҳасини кўриб чиқишга мўлжалланган махсус комиссиялар ҳам тузилиши мумкин. Вазирлар парламент мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Фолькетинг раиси депутатлар таркибининг бешдан икки қисми ёки Бош вазир талаби билан парламентнинг махсус йиғилишларини чақириши мумкин.

Фолькетинг аудиторларни сайлайди. Улар ҳар йили давлат маблағлари сарф-харажатларининг ҳисоботини текшириб, бюджет тушумларининг давлат ғазнасига тушаётгани, сарф-харажатлар молиявий йўналишдаги қонунларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини назорат қилади. Аудиторлар тегишли идоралар ва мансабдор шахслардан фаолияти учун зарур ҳар қандай ахборотларни талаб қилиш, керакли ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эга. Аудиторларнинг сони ва унинг мажбуриятлари қонунга мувофиқ тартибга солинади.

Сайлов кунини эса ҳукумат раҳбари белгилайди. Сайловга қадар 21 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Аввалги сайловда ўз вакиллари сайланишига эришган сиёсий партиялар сайловда тўғридан-тўғри иштирок этса, қолган партиялар сайловчиларнинг зарурий имзоларини тўплаши талаб этилади. Мустақил номзодлар ҳам сайловда иштирок этиши мумкин. Бунинг учун 150-200 сайловчи номзодни қўллаб-қувватлаши керак. Ғалаба учун эса сайлов округида 10-20 минг овоз тўплаш зарур. Бироқ бундай номзодлар фақатгина 1953 ҳамда 1994 йилги сайловларда парламентга сайланишга эришган, холос.

Ўтган йилнинг 18 июнида мамлакат парламентига сайлов ўтказилди. Унда маълум бир тоифалар учун солиқларни, ишсизликни камайтириш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаси учун сарф-харажатларни оширишни мақсад қилган ўнг коалиция (Венстре, Халқ, "Либераль Альянс" ҳамда Консерватив халқ партиясидан иборат) ғалаба қозонди. Улар 179 мандатдан 90 тасини қўлга киритди. Соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, кекса фуқароларни рағбатлантириш ҳамда "яшил" технологияларни ривожлантиришни ўзининг асосий мақсади деб билган чап марказлашган коалиция эса (Социал-демократик, Социал-либерал, Социал халқ, "Муқобил" партиялари ҳамда Қизил-яшил альянсдан иборат) 85 мандатга эга бўлди. Фарер ҳамда Гренландия ороллaридан эса иккитадан вакил сайланди.

Рангин дунё

XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтган — "Бразилия юраги" деб аталадиган "Маракана" нафақат мамлакат, балки Жанубий Америкадаги энг муҳташам, кўркам ҳамда машҳур стадион саналади. Унинг расмий номи — "Марио Филью". Бу ном мазкур лойиҳани амалга оширишда бошқош бўлган Рио-де-Жанейро шаҳрининг ўша вақтдаги мэри шарафига қўйилган. "Маракана" эса спорт иншооти яқинидан оқиб ўтувчи дарё номидан олинган. У "Фламенго" ҳамда "Флуминенсе" клубларининг стадиони бўлсада, унда Бразилия терма жамоасининг мезбон сифатидаги ўйинлари ҳам ўтказилади.

"Маракана" — муҳташам ўйингоҳ

Ўйингоҳни қуришга 1948 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик доирасида киришилади. Стадионнинг тамал тоши ўша йилнинг 2 августида қўйилди. Ўйингоҳ расман 1950 йилнинг 16 июнида очилди. Бироқ иншоот ўшанда тўлиқ қуриб битказилмаган, хусусан, шарҳловчилар учун махсус хоналар йўқ эди. Ўйингоҳ фақат 1965 йилдагина тўлиқ қуриб битказилади. Унинг очилиш маросими доирасида Сан-Паулу ҳамда Рио-де-Жанейро шаҳарларининг ёшлардан таркиб топган жамоалари ўртасида учрашув ташкил этилди. Мазкур ўйинда Сан-Паулу жамоаси 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Ўшанда ёш футболчи Диди мазкур ўйингоҳ тарихидаги илк голга муаллифлик қилган эди.

1950 йилги футбол бўйича тўртинчи жаҳон чемпионатида стадион ўзида беш гуруҳ ҳамда уч финал босқичи ўйинларини қабул қилган. "Маракана"да ўтказилган жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи баҳсида Бразилия терма жамоаси Уругвай термасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой беради.

Спорт аренаси тарихи "футбол қироли" Пеле номи билан ҳам алоқадор. Сабаби у 1961 йилнинг 5 мартида мазкур стадионда "Сантос" жамоаси ҳужумчиси сифатида "Флуминенсе" клубига қарши ўтказилган ўйинда рақиб жамоанинг олти нафар футболчиси ҳамда дарвозабонини алдаб ўтиб, стадион тарихидаги энг чиройли голга муаллифлик қилган эди. Пеле ўзининг мингинчи голини ҳам айнан шу стадионда амалга оширишни мўлжаллаб юрган. Унинг бу орзуси 125 минг мухлис шоҳидлигида ўтган "Васко-да-Гама" жамоасига қарши ўтказилган ўйинда ушалди. Ўшанда у рақиб дарвозасига ўн бир метрли жарима зарбасидан гол киритишга муваффақ бўлди.

2014 йилги жаҳон чемпионатига тайёргарлик доирасида "Маракана" стадионини қайта таъмирлаш учун 480 миллион доллар сарфланди. Айлана шаклида бунёд этилган стадион бир пайтлар мухлислар сиғими бўйича дунёдаги энг йирик ўйингоҳ саналган ҳамда у 200 минг мухлисни ўз бағрига сиғдира олган. ФИФА талаблари билан ҳар бир мухлис учун алоҳида ўриндиқларнинг ўрнатилиши ҳамда уларнинг рақамлаштирилиши натижасида мухлислар сиғими 78 минг 838 тага камайди ва у дунёдаги энг йирик ўйингоҳ мақомини бой берди. Таъмирлаш давомида стадионнинг томи замонавий қурилиш ашёларидан фойдаланган ҳолда қайта қурилди. Бу эса мухлисларни қуёш ва ёмғирдан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берди.

Спорт иншооти 17 лифт, 12 эскалатор, 396 прожектор-ёритгичлар билан жиҳозланган. 60 кафе фаолият кўрсатади. Стадионда ўрнатилган ҳар бири 100 квадрат метр бўлган тўрт электрон монитор орқали ўйиннинг энг қизиқарли лаҳзаларини томоша қилиш мумкин. Иншоот яқинида "Маракансиньо" ёпиқ спорт мажмуаси жойлашган бўлиб, бу ерда бокс, теннис мусобақалари, турли фестиваль ҳамда концертлар ўюштирилади. 2014 йилги жаҳон чемпионатининг финал учрашуви ҳам ушбу стадионда ўтказилди. Мусобақа финалида Германия терма жамоаси Аргентина жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, тўртинчи бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Келажак учун мустаҳкам бетон

Бетон — кенг тарқалган қурилиш материалларидан. Бироқ унинг ёмон бир хусусияти бор: вақт ўтгани сари дарз кетади, кучли босим остида синади ёки емирилади. Наньян технология университети (Сингапур) олимлари бу қурилиш ашёсини қандай қилиб мустаҳкамлашни ўйлаб топишди: энди бетон эгилувчан бўлди.

Одатда бетон цемент, шағал, қум ва сув аралашмасидан тайёрланади. Сингапурлик олимлар ўйлаб топган "ConFlexPave" материалида бетон таркибига яна бир компонент — полимер микротолалари ҳам қўшилди. Улар инсон сочидан юпқа, бироқ бетонга қўшилса, уни мустаҳкам қилади.

"ConFlexPave" муаллифларининг сўзларига кўра, янги қурилиш материали ҳам металл каби мослашувчан, ҳам оддий бетонга нисбатан камида икки карра кўп юкни кўтаришга қодир.

Янги материални заводда тайёрлаб, кейин қурилиш майдонига келтириш мумкин. Бу барча учун бирдек қулайлик туғдиради. Бугунги кунга келиб, янги "ConFlexPave" материали фақат лабораторияда синовдан ўтказилган. Бу ерда одатий стол ўлчамидаги плиталардан фойдаланилган. Кейинчалик бу материалдан университет ҳудудида янги иншоотлар қурилишида фойдаланиш режалаштирилмоқда. Уларнинг мустаҳкамлик даражаси уч йил синовдан ўтказилади.

Дунёдаги энг узун ойнаванд кўприк

Хитойнинг Чжанцзяцзе миллий хиёбонида дунёдаги энг узун ойнаванд кўприк очилди, деб ёзади "gazeta.ru".

Кўприкнинг узунлиги — 430, эни — 6 метр. Мажмуа юқори сифатли ва мустаҳкам ойнали панеллардан иборат бўлиб, бир пайтнинг ўзида 800 кишини сиғдира олади. Мазкур мамлакатда дунёдаги энг узун ойнаванд кўприк қуриб битказилгани ҳақидаги хабар шу йилнинг май ойида тарқалган эди. Бироқ кучли жала ёғиши туфайли очилиш маросими кечиктирилган. Қурилиш учун уч миллион евро сарфланди.



Айтиш жоиз: табиати мафтункор бўлган мазкур хиёбонда Голливуд киноижодкорларининг машҳур "Аватар" фильми ҳам суратга олинган.

Етти минг ёшли ёзув

Болгария қадимшунослари сопол идишга битилган етти минг ёшли ёзувларни топди. Бу ҳақда Плевен шаҳридаги минтақавий тарих музейи директори Володя Попов Болгария телеграф агентлигига маълум қилган.

Поповнинг фикрича, сопол устига ўйилган пиктограммалар шумер ҳамда Миср ёзувларидан анча қадимий.

— Мазкур топилма белги ва ёзувларни лой устига қайд этиш Болқон ярим оролида пайдо бўлганидан далолат бермоқда. Қадимшунослар мазкур тумандан қадимий ёзувлар билан боғлиқ жами 120 қадимий ашёларни топган, — дейди Попов. Унинг қайд этишича, етти минг йиллик тарихга эга ёзувларни ўқиш осон иш эмас. Шу боис бунга вақт талаб этилади.

Топилмани сентябрь ойининг сўнгида Плевен шаҳридаги минтақавий тарих музейининг махсус экспозициясида намойиш этиш режалаштирилган.

Ҳайдовчисиз автобуслар ишга туширилди

Финляндия пойтахтида электр қуввати ёрдамида ҳаракатланадиган янги ҳайдовчисиз автобуслар ҳаракати йўлга қўйилди, дейилади "hi-news.ru" сайтида.

Йўловчи транспортлари 2016 йилнинг сентябрь ойи ўрталарига қадар Хернесаари тумани бўйлаб ҳаракатланади, "EasyMile EZ10" автобусларини Франциянинг "Liger" автомобиль концерни ишлаб чиқарган. Бу

концерн Ҳиндистоннинг "Robosoft" компанияси билан ҳамкорликда иш олиб боради. Автобуслар соатига 40 километргача тезликка эга. Бироқ пойтахт маъмурияти йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳайдовчисиз транспорт воситаси тезлигини соатига 10 километр билан чеклашга қарор қилди.

Мини-автобуслар ҳозирча йўловчиларни унча узоқ бўлмаган масофаларга ташишга мўлжалланган: метро бекатидан автобус бекатигача. Чунки бундай транспортни тўлиқ ишга туширишдан олдин уни обдон синовдан ўтказиш зарур.

Қурувчи-робот

Австралиянинг "Fastbrick Robotics" компанияси намунали турар-жойни икки кун ичида қура оладиган робот яратди.

"Hadrian" номли робот ғиштларни қурувчилардан тезроқ тера олади, бироқ унинг ишига қурувчиларга нисбатан 10 фоиз кам ҳақ тўланади. Роботга 122 йилда Европада Адриан девори — 100 километрдан зиёдроқ узунликка эга мудофаа истеҳкомини қурдирган Рим императори Андриан номи берилди. Машина соатига 225 ғишт тера олади. Ўртамиёна қурувчи бундай миқдордаги ғиштни ярим кунда теради.

Роботни яратган компания раҳбари Майк Пивак янада мукаммалроқ қурилма — бир соатда мингта ғишт тера оладиган роботни яратиш устида иш олиб бормоқда.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
33(405) 2016 йил 24 август, чоршанба

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг
25 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
билан чин дилдан табриклаймиз.
Мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, файзу барака,
Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги
бунёдкорлик ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб Сизга янги омонат турларини таклиф этамиз.

Миллий валютада:

"МУСТАҚИЛ ЮРТИМ" — омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.
Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

"КОМФОРТ" — омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади.
Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

"МАДАД" – маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
"ҚУРИЛИШГА БОШЛАНҒИЧ БАДАЛ" – муддати 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:
- ✔ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✔ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✔ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Аллергиядан сақланинг!

Аёнки, инсон иммун тизими бизни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилади. Аслида ҳимоя оқсиллари — иммуноглобулинларни инсон организмининг ўзи ишлаб чиқаради. Аллергик касалликларда бевосита иштирок этадиган иммуноглобулин Е одатда меъёрида бўлади. Инсонларда ташқи таъсирлар (дарахт гуллари чанги, уй чанги, маиший кимё, ҳайвонлар жуни, ўсимликлар чанги, ўсимлик оқсиллари, замбуруғлар)га нисбатан қонда иммуноглобулин Е ошиб кетади. Бу ҳимоявий характерга эга, яъни иммуноглобулин Е қонга тушган "бегона"ни йўқ қилади. Кўпчиликда бу ҳолат ҳеч қандай белгиларсиз ўтиб кетади. Баъзи кишиларда иммуноглобулин Е миқдорининг ошиб кетиши қондаги гистамин ва гистаминсимон моддалар меъёридан зиёд бўлишига,аллергик реакциянинг юзага чиқишига сабаб бўлади.

Овқат аллергияси кўпинча таркибида аллерген сақловчи маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Умуман, ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари аллергия чақириши мумкин. Бу фақат иммунореакция ҳисобига келиб чиқади: қоринда оғриқ, қайт қилиш, ич кетиши, шиш, эшак еми — экзема, терида қичишишлар кузатилади. Кўпроқ ўзида аллерген сақловчи маҳсулотлар (сигир сути, тухум оқсили, товуқ гўшти, балиқ, аччиқ қалампир, асал, қулупнай, ёнғоқлар, цитрус мевалар, дуккакли ўсимликлар) овқат аллергиясини келтириб чиқаради. Ҳашаротлар (асалари, нонхўрак, пашша, чивин, кана) чақишидан кейинги аллергия кўпинча шиш кўринишида (оғриқли қизил сувли шиш ёки ҳар хил катталиқдаги қизил шиш) бўлади. Бунда беморда ҳолсизлик, қон босимининг тушиб кетиши, эшак еми тошиши, бўғилиш, бош айланиши рўй беради. Баъзан қориндаги оғриқ қайт қилиш, ҳиқилдоқ шиши билан кечиб, анафилактик шоккача бориши мумкин.



Аллергик касалликларни даволашда касалликнинг бошланган вақтига эътибор бериш керак. Яъни, касаллик қанча тез ривожланиб борса, организм учун шунча хавфли ҳисобланади. Аллергия сурункали касаллик бўлгани учун уни бутунлай организмдан йўқотиб юбориш анча мушкул. Касалликнинг олдини олишда соғлом турмуш тарзи муҳим аҳамиятга эга. Булар қуйидагилардан иборат: мавсумий чанг аллергияси вақтида бошқа жойга вақтинча кўчиб ўтиш керак. Ҳар қандай гулга аллергияси борлар уй ичи ва ташқарисидаги гуллардан, итмушук жунларига аллергия бўлганда эса улардан воз кечиш лозим. Ҳозирда аллергияни тўлиқ дори-дармон билан даволаб йўқ қилишнинг имкони йўқ. Шу давргача ишлаб чиқарилган биринчи, иккинчи ва учинчи синфга эга антигистамин дорилар касалликнинг хуружи даврида фақат вақтинча, худди "тез ёрдам"дек тўхтатади, аммо буткул даволамайди. Аллергияни даволашда амалиётда кенг қўлланиладиган даволаш усули — иммунотерапия ҳисобланади. Аллерген миқдори даволаш курси давомида оширилиб борилади. Ушбу усул билан даволаш давомида аллергик касалликнинг енгиллашишига ёки бутунлай дарддан фориғ бўлишга эришилади.

БИЛАСИЗМИ?

- 1896 йилда Афина шаҳрида ўтказилган илк замонавий Олимпия ўйинларида ғолиб чиққан атлетлар лавр барги ва кумуш медаллар билан тақдирланган. Қизиғи, иккинчи ўрин эгаларига бронза медаллари топширилган бўлиб, учинчи ўрин соҳибларига ҳеч қандай соврин берилмаган.
- Тоза олтиндан қуйилган медаллар спортчиларга сўнгги бор 1912 йили Стокгольм шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида берилган. Шундан сўнг ҳозирги кунга қадар юзасига тилла суви юритилган медаллар топширилмоқда.

МММда

Миллий архив фонди бойиб бораётир

"Ўзархив" агентлигининг юздан зиёд давлат архивида 37,7 мингдан ортиқ фонд мавжуд. Улар таркибида 12,6 миллион сақлов бирлигида архив ҳужжатлари жамланган.

Маданий меросни сақлаш ва улардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида мамлакатимизда 22 янги давлат архиви биноси қурилган, 5 давлат архиви биноси тўлиқ реконструкциядан чиқарилган. Натижада, давлат архивлари сиғимдорлиги 2,5 миллион сақлов бирлигига ортган.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги маданий меросни сақлашда архив, музей ва кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида мълум қилинди.

Агентлик бош директори ўринбосари Д.Кўчарова ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, муҳофаза этиладиган тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга маданий ёдгорликлар таркибига кирувчи картография, фотография материаллари, кинофильмлар, аудио ва видео ёзувлар, архив, қўлёзма ва чизма ҳужжатларни архив муассасаларида тизимли асосда жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш масалалари, бу борада архив, музей ва кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги хусусида сўз юритди.

Ҳозирда Миллий архив фондига киритилган архив ҳужжатлари Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланиб, улар давлат муҳофазасига олинган. Ҳужжатларни илмий-техник жиҳатдан ишлаш ва уларнинг сақланишини таъминлаш, алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларининг эҳтиёт нусхаларини яратиш, архив фондининг таркиби, ҳажми, тўлдирилиб борилиши, архивларга доимий сақлашга берилишнинг тизимли ва марказлаштирилган ҳисоби назоратини олиб бориш — доимий эътиборда.

Алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишлари давом этмоқда. Ҳозирга қадар давлат архивларидаги алоҳида қимматли ҳужжатларнинг 35 фоизи электрон форматга келтирилган.

Хорижий мамлакатлардан 9 кино, 2,5 мингдан зиёд тарихий, илмий, сиёсий, маданий ҳужжатнинг нусхалари олиб келинган.

Жорий йилда Агентлик Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви сақловида бўлган 1200 дан ортиқ алоҳида қимматли ҳужжатни ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш устида иш олиб бормоқда.

Тадбирда журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА

ТУРФА ОЛАМ

2500 ёшли иншоот қолдиқлари топилди

Озарбайжоннинг ғарбий қисмида жойлашган Шамкир туманидаги Гаражамирли қишлоғи яқинида олиб борилган қазилма ишлари давомида ёши тахминан 2500 йилга тенг бўлган иншоот қолдиқлари топилди.

Мазкур ҳудудда ҳамкорликда иш олиб бораётган озарбайжонлик ҳамда германиялик қадимшуносларнинг бу ерда бир пайтлар шаҳар кўринишидаги аҳоли манзилгоҳи бўлганини тахмин қилмоқда. У эрамиздан аввалги 550-330 йилларда, яъни 220 йил мавжуд бўлган. Олимлар бу жойни Аҳамонийлар империяси таркибида бўлган Пасаргад ҳамда Персопол шаҳарларига қиёсламоқда. Гаражамирли қишлоғи яқинидан топилган манзилгоҳ ҳам ушбу империянинг маъмурий марказларидан бири бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.

Экспедиция раҳбари, Озарбайжон миллий фанлар академияси аъзоси Илёс Бобоевнинг сўзларига кўра, сарой ўрни 20 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, шу пайтга қадар унинг 28 асосий устуни топилди. У бир пайтлар юзтагача бўлган бўлиши мумкин. Саройга кириш жойининг узунлиги 25, эни 8 метр бўлган. Қазилма ишлари давомида сопол идишлар, тошдан ясалган буюмлар ҳам топилган.

Ш. ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 825, Адади — 5068. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 01.00.
ЎзА якуни —.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345